

Гаппаров Азим Қаюмович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ассистент ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчиси*

Гаппаров Азим Қаюмович
*Самаркандский институт экономики и сервиса
ассистент преподавателя, независимый исследователь*

Gapparov Azim Kayumovich
*Samarkand Institute of Economics and Service
assistant teacher, independent researcher*

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВИЛОЯТЛАРИДА ЭКОЛОГИК ВА РЕКРЕАЦИЯ
ТУРИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**КОНЦЕПТУАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ ЭКОЛОГО-РЕКРЕАЦИОННОГО
ТУРИЗМА В ОБЛАСТИ УЗБЕКИСТАНА
НАПРАВЛЕНИЯ**

**CONCEPTUAL DEVELOPMENT OF ECOLOGICAL AND RECREATION
TOURISM IN THE PROVINCES OF UZBEKISTAN
DIRECTIONS**

Аннотация: Мақолада экологик ва рекреация туризмларини Ўзбекистоннинг вилоятларида ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари келтирилган. Шунингдек, концептуал йўналишларни амалга оширишда тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье представлены концептуальные направления организации и развития эколого-рекреационного туризма в регионах Узбекистана. Также даются рекомендации по реализации концептуальных направлений.

Abstract: The article presents the conceptual directions of organizing and developing ecological and recreational tourism in the regions of Uzbekistan. Also, recommendations are given in the implementation of conceptual directions.

Калит сўзлар: ҳудуд, концепция, субъект, имиж, стратегия, биохилмахиллик, самара, дастур, кафедра, магистр, бакалавр, туман, малака, минтақа.

Ключевые слова: территория, концепция, предмет, имидж, стратегия, биоразнообразие, эффект, программа, кафедра, магистр, бакалавр, район, квалификация, регион.

Key words: area, concept, subject, image, strategy, biodiversity, effect, program, department, master, bachelor, district, qualification, region.

Кириш. Ўзбекистонда ҳозирга келиб миллий туризм соҳаси тўлиқ шаклланди. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида куйидагиларни келтиришимиз мумкин-“Мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини

яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда”[1].

Ушбу фармонда ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегиясида” белгиланган вазифаларга мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди. Концепцияда бажарилиши белгиланган қуйидаги муҳим топшириқларни келтирамиз:

- республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш.

Муҳокама. Концепциядан келтирилган топшириқлар айнан экологик ва рекреация туризмларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишида дастурамал бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун туризмнинг истиқболда ривожланиши устивор бўлган соҳалари ёки турларини аниқлаб олиш зарур омиллардан биридир. Бу мақсадларда туризмнинг истиқболда устивор ривожланадиган соҳаси ёки турини танлашда албатда, туризмнинг соҳалари ичида ички туризм, турларнинг ичида тарихий-маданий туризм ва зиёрат туризмлари биринчи ўринларни эгаллайди. Шу билан бирга, ватанимизнинг табиати ва ундаги биологик хилмахилликни авлодларимиз учун сақлаш, муҳофаза қилишга ҳам, аҳолида экологик маданият ва экологик билимни шакллантиришга ҳам, халқимизнинг дам олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ҳам экологик, рекреация туризмларини ривожлантириш орқалигина эришишимизни доимо ёдда, эътиборда тутишимиз лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида[2]

- Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва «Айдар-Арнасой» қўллар тизимида қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканларини барпо этиш, 300 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш, 25 минг иш ўринини яратиш;

-Қорақалпоғистон Республикаси ва Орол бўйида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурни амалга ошириш. Бунда, Мўйноқ нинг янги аэропорти имкониятларидан кенг фойдаланиш;

-Навоий вилоятида зиёрат ва экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш каби топшириқлар қўйилган.

Учинчидан, Президентнинг туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилган фармонлари ва қарорларида вилоятлар, ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш, дам олиш инфратузилмаларини яратиш масалаларининг қўйилиши, “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Президент Фармонинингхам мамлакатда экологик рекреация туризмларини ривожлантиришни кун тартибига кўймоқда[3].

Келтирилган фикр-мулоҳазалар экологик ва рекреация туризмларини мамлакатимизда бир текис, мажмуали ривожлантиришнинг аҳолимиз учун ҳам, халқаро туризм учун ҳам нақадар мақсадли эканлигини тасдиқлайди. Туризм соҳаси ҳамкорликда ишлашни хуш кўради. Лекин Биз ҳануз маъмурий бўлинишларда ишламоқдамиз. Концепцияни давлатнинг ҳозирги маъмурий ёки ҳудудий тузилмаларининг тараққиёти бўйича ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Бизнингча, концепция давлатнинг иқтисодиёти ёки ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бир текис камраб олишида қутилган самарани беради. Европа иттифоқи шу усулда концепцияларини ишлаб чиқишади.

Концепция сўзи-асосий фикрлар тўплами, қарашлар тизими деб таржима қилинган. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳар қандай соҳалари, тармоқлари ўзининг «Ривожлантириш концепцияси» га эга бўлиши керак. Яъни «Ривожлантириш дастури» -режаси асосида ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олгандагини ривожлантиришга мўлжалланган соҳа ёки тармоқ истиқболда муваффақият билан ривожланиши мумкин. Ўзбекистоннинг вилоятларида экотуризм+рекреацияни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари дейилганда мамлакатимиз нинг миллий туризм соҳасининг мақсадларидан келиб чиқадиган, катта муддатларга мўлжалланган, ташкил қилинадиган ва ривожлантириладиган туризм турининг ёки турларининг аҳоли ва истеъмолчилар учун самарали фаолият кўрсатишга қаратилган янги режалар ва ғоялар тизими тушунилади[4].

Ўзбекистоннинг вилоятларида экотуризм+рекреацияни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ватанимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари ва қарорлари ва «Туризм тўғрисида» ги қонунга, Ўзбекистон Республикаси нинг Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон нинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ва “2019 -2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепция сига мувофиқ ҳолда белгиланиши лозим[4].

Ўзбекистоннинг вилоятларида экотуризм+рекреация ривожлантириш нинг концептуал йўналишлари биринчи навбатда, ҳар бир вилоятнинг аҳолиси учун табиат бағрида-дам олиш шароитларини яратиш, экологик билим ва экологик маданиятни шакллантириш шароитларини яратиш, иккинчи навбатда халқаро туристларга табиатимизни, ноёб биологик ресурсларимизни кўрсатишнинг халқаро шароитларини яратиш масалалари ва режалари тушунилса, мамлакатимизда миллий экотуризм+рекреацияни ривожлантиришда истиқболли йўналишларни танлаган бўламиз[5,6,7]

Натижалар. Ўзбекистоннинг вилоятларида экологик ва рекреация туризмларини ривожлантириш қуйидаги концептуал йўналишларни камраб олиши лозим:

I. Ўзбекистонда экотуризм+рекреацияни ривожлантиришнинг давлат Дастурини ишлаб чиқиш. Ушбу дастур асосида вилоятларда экотуризм+рекреацияни ривожлантиришнинг дастурларини ишлаб чиқиш.

1.1. Ўзбекистоннинг вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ички ва халқаро экотуризм+рекреация ресурсларининг рўйхатларини, тавсифларини, географиясини ва улардан туризмда фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш.

1.2. Вилоятларда экотуризм+рекреация ресурсларидан ички ва халқаро туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш.

1.3. Вилоятларда ички ва халқаро экотуризм+рекреация тадбиркор лигини, ички ва халқаро экотуризм +рекреация туризмлари фирмаларини ташкил қилиш.

1.4. Вилоятларда экотуризм+рекреация объектларида ички ва халқаро экотуризм +рекреация инфратузилмаларни яратиш.

1.5. Вилоятларда экотуризм+рекреация маконларида тадбиркорлик, меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлишидаги таълим-тарғибот ишларини ташкил қилиш.

1.6. Вилоятларда ички ва халқаро экотуризм+рекреация ресурслари, хизматлари бўйича рекламаларни, ахборотларни яратиш, ички ва халқаро туризм бозорига чиқариш.

1.7. Вилоятларда ички ва халқаро экотуризм+рекреация экскурсияларини, маршрутларини, ахборотларини яратиш, уларнинг рекламаларини ички ва халқаро туризм бозорига чиқариш.

1.8. Вилоятларда ички ва халқаро экотуризм+рекреация туризмларининг мутахассисларини тайёрлаш бўйича Олий таълим билан шартномалар тузиш.

1.9. Вилоятлар ички ва халқаро экотуризм+рекреацияни ривожлантиришда вилоятлар билан ўзаро алоқаларни ва халқаро тажрибалар алмашишни ташкил қилиш.

II. Вилоятларда экотуризм+рекреацияни ривожлантириш илмий-амалий тадқиқотларини амалга ошириш дастурларини яратиш. Бу йўналишдаги илмий-тадқиқотлар куйидагиларни қамраб олишлари лозим:

2.1. Вилоятларнинг ҳудудларида экотуризм+рекреацияни ривожлантириш илмий-тадқиқотларига вилоятлардаги университетлар, институтлар ва коллежларнинг профессор-ўқитувчилари ва талабларини жалб қилиш. Бу йўналишда туризм таълимидаги фанлардан курс ишларининг, бакалавр битирув ишларининг ва магистрлик ва PhD диссертацияларининг мавзуларини вилоятларнинг ҳудудларида экотуризм +рекреацияни ривожлантириш масалаларига, муаммоларига йўналтириш мақсадли илмий-тадқиқотлардан ҳисобланади.

2.2. Вилоятларда туризм соҳасига мутахассислар тайёрлаётган университетлар ва институтлардаги кафедраларнинг илмий-тадқиқотларига вилоятларда экотуризм+рекреацияни ривожлантириш мавзуларини киритиш ҳам мамлакатимизда экотуризм+рекреацияни ривожлантиришда самарали йўналишлардан ҳисобланади.

III. Вилоятларда экотуризм+рекреация инфратузилмалари яратиш.

3.1. Вилоятлардаги экотуризм+рекреация маконлари асосан табиий минтақалардаги туманларда жойлашган. Ҳозирча туманларлардаги экотуризм+рекреация инфратузилмалари, хизматлар кўрсатиш шароитларидан анча орқада ҳисобланганлиги учун дастлабки вақтларда вилоятларнинг ҳудудларида дастлабки туристик инфратузилмалар яратиш талаб қилинади. Бунинг учун эса қуйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш зарур бўлади;

3.2. Вилоятларнинг ҳудудларидаги туманлар ҳокимликларининг ташаббуслари ва уларнинг харажатлари ҳисобига тумандаги экотуризм+рекреация тадбиркорларини ўқитиш ишларини бошлаш.

3.3. Вилоятларда экотуризм+рекреация бизнесини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқ буклетларини, ахборот варақаларини бепул тайёрлаш ва тарқатишни ташкил қилиш.

3.4. Давлатимизнинг экотуризм+рекреацияни ривожлантириш бўйича қабул қилган фармонлари ва қарорларидаги имтиёзлар ва энгилликлар билан вилоятдаги тадбиркорларга доимий таништириб бориш.

3.5. Вилоятлардаги экотуризм+рекреация тадбиркорларига туристик фаолиятлар учун лицензиялар, сертификатлар ва имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам бериш.

3.6. Вилоятлардаги тадбиркорларга экотуризм+рекреация хусусий меҳмонхоналар ва туризм инфратузилмалари яратиш лойиҳаларини тайёрлашда амалий ёрдам бериш.

3.7. Вилоятларнинг ҳудудларида экотуризм+рекреацияни ривожлантириш йўналишида давлат грантларини ташкил қилиш.

3.8. Вилоятларнинг ҳудудларида институт ва университетлардаги туризм таълимидаги талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказувчи доимий “туризм амалиёти лагерлари”ни ташкил қилиш.

3.9. Университет ва институтларнинг бакалаврият ва магистратурасини давлат грант таълими бўйича битирган ёш мутахассисларни дастлабки мажбурий хизматларини ўташи учун вилоятларнинг ҳудудларида фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар ва меҳмонхоналар хўжаликларида ишга жойлаштиришни амалга ошириш;

3.10. Мамлакатимиз марказий телекўрсатувларида ва доимий матбуотда вилоятларнинг ҳудудларида экологик ва рекреация туризмларини ривожлантириш масалаларини, муаммоларини, ютуқларини доимий ёритиб боришни ташкил қилиш.

IV. Вилоятлардаги табиат кўриқхоналари, миллий паркларида ва табиат минтақаларида экологик ва рекреация туризмларини ташкил қилиш ва ривожлантириш дастурларини яратиш. Матбуот хабарларидан маълумки, чет эллик экотуристлар биринчи навбатларда табиат кўриқхоналаримизга қизиқишмоқда. Табиат кўриқхоналаримиз табиатига халқимизнинг қизиқиши ҳам жуда кучли ҳисобланади. Табиат кўриқхоналари ва миллий парклардан экологик ва рекреация туризмларидан фойдаланиш истиқболли йўналишлари дан бири бўлиши имкониятлари жуда катта.

4.1. Вилоятлардаги табиат кўриқхоналари ва миллий паркларнинг табиати, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси тоғолди ва тўқайзорлар табиати билан

улашиб кетиши натижасида мажмуали экологик ва рекреация туризмларининг маршрутларини ишлаб чиқишнинг салоҳиятли ресурслари борлигини асослаш ва уларнинг ички ва халқаро туризмга мўлжалланган рекламаларини ишлаб чиқиш.

4.2. Табиат қўриқхоналари ва миллий парклар атрофларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари учун ёзги экологик ва рекреация туризмларининг инфратузилмаларини ташкил қилиш муаммоларини ҳал қилиш.

4.2. Табиат қўриқхоналари ва миллий парклардан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш натижасида ушбу табиат қўриқхоналар ва миллий парклари атрофларидаги қишлоқ ва овуллардаги маҳаллий аҳолида туризм тадбиркорлигининг юзага келиши ва табиат қўриқхоналари, миллий парклар ҳам иқтисодий жиҳатлардан манфаатдор бўлишлигини асослаш.

4.3. Табиат қўриқхоналари ва миллий парклардан ички экотуризм рекреация туризмларини ривожлантиришда фойдаланиш халқимизнинг экологик билими, экологик маданиятини ва экологик онгини шакллантириш да давлатимиз миқёсида ва халқаро миқёсларда зарурий талаблардан эканлигини асослаш.

V. Вилоятларда экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришнинг ташкилий- иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш йўналиши:

5.1. Вилоятлар ҳокимликларининг ва вилоятлардаги кон-қазлов бирлашмаларининг маблағлари ҳисобига дастлабки туристик фирмаларни ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини яратиш.

5.2. Вилоятларнинг ҳудудларида кичик ҳажмли экотуризм+рекреация меҳмонхоналарини қурилишига имтиёзли кредитлар ажратишни асослаш.

5.3. Вилоятларнинг ҳудудларида экологик тоза миллий овқатлантириш тизимларини яратишда кичик ҳажмли ресторанлар ва овқатлантириш корхоналарининг макетларини тайёрлаш ва амалиётга жорий қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

5.4. Вилоят ҳокимликларининг туманлар ва вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларига экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантириш режаларини, лойиҳаларини қўшишнинг мажбурий меъёрларини яратиш.

5.5. Вилоятларда экотуризм ва рекреация туризмларида фаолиятни бошлаган тадбиркорларни рағбатлантириш тизимларини яратиш.

5.6. Вилоятларда экотуризм ва рекреация туризмларини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ҳақида юқорида қайд қилинганлардан ташқари, вилоятлардаги туризм ресурсларидан туризмнинг турлари бўйича фойдаланиш маслаларини, йўналишларини ҳам белгилаш мумкин. Вилоятларда экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришда бу туризм турига қишлоқ туризмнинг, зиёрат туризмнинг ва гастрономия туризмнинг қўшилиши имкониятлари ҳам борлигига эътибор бериш лозим.

Натижалар:

1. Туризм муракаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан, ташкилий-иқтисодий механизмлардан иборат бўлганлиги учун вилоятларда туризмнинг соҳалари ва турларини мажмуали ривожлантиришнинг дастурлари ва стратегик режалари ишлаб чиқилиши лозим.

2. Ватанимизнинг вилоятларидаги туризм ресурслардан фойдаланиб, туризмни мажмуали ривожлантириш орқали минглаб иш ўринларини яратиш, туризм тадбиркорлигини ташкил қилишдек истиқболли йўналиш ларга мамлака тимизда туризмни ривожлантиришга маъсул бўлган Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлигидаги «Туризм қўмитаси»нинг ташаббускорлиги ва барча ташкилий ишларга раҳбарлик қилиши талаб қилинмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлигидаги «Туризм қўмитаси»нинг зиммасидаги давлат ваколатларидан ўз вақтида унумли фойдаланиши, Республикамиздаги вилоятларидаги «Туризм бошқармалари»нинг фаолиятларини кучайтириши, мавжуд маблағларини, айниқса хорижий инвестицияларни туризмни ривожлантиришга мақсадли йўналтириши, уни ташкил қилишда бош ҳакам ҳам бўлиши, ватанимизда миллий туризмни ривожлантиришда улуғ ишларни амалга ошириши мақсадли бўлади.

Хулоса ва таклифлар:

1. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида табиий ресурсларнинг, табиат минтақаларининг жозибали, бетакрор ва биологик ресурсларини рўйхатга олиш, улардан ички ва халқаро экологик-рекреация туризмларида фойдаланиш имкониятлари ва муаммоларини аниқлаш.

2. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экологик-рекреация туризмлари ни ривожлантиришнинг мажмуали дастурини ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экологик-рекреация туризмлари нинг асосий объектларида экологик-рекреация инфратузилмаларини яратишга киришиш.

4. Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги «Туризм бошқармалари» вилоятда экологик-рекреация туризмларини ривожлантиришнинг рекламала рини, экскурсияларини ва маршрутларини яратиш ва туризм бозорига чиқариши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Тошкент ш., 2019 йил 5 январь, ПФ-5611-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

3. Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони, 21-декабр, 2021 йил, ПФ-46.

4. Пардаев М. Қ., Исломова Р. А., Гаппоров А. Қ., Экологик туризм асослари, «Наврўз» нашриёти, Тошкент, 2015.-95 б.

5. Хаитбоев Р. Eologik turism.Oguv gollanma. Barkamol fayz mtdia, Toshkent, 2018.-248 б. ISBN:998-9943-5519-5-4.

6. Хаитбоев Р. Экологик туризм, Ўқув қўлланма, «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», Тошкент, 2021.-375 б.

7. Хаитбоев Р. Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ашқил қилиш ва ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари. «STAR-SEL» МСНЛ. Нашриёт-матбаа бўлими. Самарқанд, 2022.-175 б., ISBN: 998-9943-9077-0-6